СПОРТИВНЫЕ УСПЕХИ – В ФУНДАМЕНТ БОЕГОТОВНОСТИ

Армейский спорт

# В ЛИДЕРАХ – СБОРНАЯ ЧВТКИУ







**На днях завершился чемпионат войск Министерства обороны по легкой атлетике.**

**На следующий день после выявления победителя и призеров в беге на 1500 м спортсмены вышли на беговую дорожку «выяснять отношения» в двух дистанциях: 800 и 3000 м.**

Одной из самых сложных дистанций является бег на 800 м. Здесь очень важно умело распределить свою скоростно-силовую подготовку, тактически правильно построить борьбу на всей дистанции, держать нужный темп, а также необходимо суметь сохранить силу на финальный спурт. Во время чемпионата эта дистанция получилась чисто курсантской. Очень грамотная и в то же время красивая и острая борьба развернулась, в основном, между младшими сержантами Жамшидом Байзаковым (ТВОКУ), Шохобидином Рахмоновым (ЧВТКИУ) и Эркином Муродовым (СВВАКИУ). Буквально до последней доли секунды нельзя было определить, кто же придет к финишу первым: лидер менялся в каждой стометровке и в каждую секунду.

Но все же на последних метрах к финишу вперед вырвался Э.Муродов. Он и стал победителем соревнований, показав результат 2.03,60. Серебряную награду завоевал Ж.Байзаков – 2.04,35. Третьим финальную прямую пересек Ш.Рахмонов. Его время составило 2.05,14.

Огромное желание победить было у каждого участника, потому состязания проходили в жесткой конкуренции. Порой нелегко приходилось и опытным судьям – мастеру спорта международного класса сержанту Анвару Кучмуродову и мастеру спорта младшему сержанту Владимиру Калюжному. Так, после финиша рядового по контракту Рустама Юлчиева, показавшего четвертый результат, трудно пришлось судьям. Ведь электронный секундомер зафиксировал одинаковое время – 2. 07,20 – сразу у двух представителей ЮЗОВО – младших сержантов Дустмурода Шодиева и Санжара Саъдуллаева, преодолевших дистанцию 800 м.

Если на предыдущих средних дистанциях (800 и 1500 м) представители ЧВТКИУ завоевали одну серебряную и две бронзовые медали, то на дистанции 3000 м они «добыли» золотую награду. Рядовой по контракту Ёдгор Ахматов показал результат 9.12,73. Таким образом, он и стал победителем соревнований.

На вторую ступеньку пьедестала почета с результатом 9.23,81 поднялся курсант ТВОКУ Хусниддин Исманалиев. Итог выступления командира группы лейтенанта Шерзода Рашидова из ЮЗОВО – 9.30,78. Он стал бронзовым призером.

Эстафета тем и отличается, что конечный результат зависит не от одного спортсмена, в него вносит лепту каждый участник команды. В этом плане в эстафете 3х1000 м сборная команда ЮЗОВО продемонстрировала тактически правильное и грамотное ведение борьбы.

Нужно сказать, что этой команде чуть-чуть не хватило скорости и везения. Но то, что представители ЮЗОВО сумели стать призерами в эстафете 3х1000 м, стоит похвалы.

Первой финишировала команда СВВАКИУ. А замкнули тройку призеров представители ЧВТКИУ.

В общекомандном зачете первое место заняла сборная ЧВТКИУ, второе место – СВВАКИУ, третье место – ТВОКУ. Достойно выступила и сборная ЮЗОВО, которая немного уступила представителям ТВОКУ и оказалась за чертой призеров. Но оказаться на четвертом месте в таком престижном турнире – это тоже почетно.

**Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ, корр. «Ватанпарвара».**
**Фото Камолиддина ТУРАЕВА.**

# НА УРОВНЕ СЕГОДНЯШНЕГО ДНЯ

**В Бухарской областной организации ОСО «Ватанпарвар» накоплен хороший опыт по работе с государственными и общественными организациями и средствами массовой информации в вопросах организации и проведения общественно-патриотических мероприятий.**

**Этому во многом сопутствует хорошо продуманное совместное планирование мероприятий по усилению военно-патриотического воспитания, подготовке молодежи к службе в Вооруженных Силах Республики Узбекистан. Совместная работа положительно влияет на улучшение воспитательной работы с молодежью, формирование у них патриотизма, преданности идеалам независимости.**

Большую роль в деле воспитания патриотов на основе изучения истории Родины, военного дела, физической закалки и подготовки молодежи к службе в Вооруженных Силах Республики Узбекистан играют патриотические клубы «Ватан химоячиси».

Создание таких клубов в Бухарской области началось в 1999 году, после утверждения областным советом ОСО «Ватанпарвар» Положения и Программы клубов. На сегодняшний день в области функционируют 69 патриотических клубов, в которых занимаются более 1100 молодых людей.

С целью выявления лучшего патриотического клуба, привлечения допризывной молодежи к прикладным видам спорта в области ежегодно проводится областная спартакиада патриотических клубов. Дважды за последние годы патриотические клубы Бухарской области были в числе призеров в Республиканской спартакиаде патриотических клубов «Ватан химоячиси».

Недавно на базе Бухарского колледжа нефтяной и газовой промышленности областным Советом ОСО «Ватанпарвар» была проведена IV областная спартакиада патриотических клубов. В ней участвовало 10 команд.

Непосредственное участие в спартакиаде приняли просоюз работников госучреждений и общественного обслуживания, Фонды «Махалля», «Нуроний» и по развитию детского спорта.. Большую помощь оказало Управление по делам обороны области и военнослужащие Бухарского гарнизона.

Программа спартакиады предусматривала выполнение спортсменами упражнений по строевой и огневой подготовке, надеванию противогаза, общефизической подготовке.

По строевой подготовке лучше всех выступил патриотический клуб колледжа нефтяной и газовой промышленности г.Бухары (руководитель А. Расулов).

Успешному выполнению упражнений по огневой подготовке способствовала большая кропотливая работа. Все патриотические клубы были закреплены за воинскими подразделениями и по графику проводили там занятия. В результате напряженной борьбы лучшими вновь оказались спортсмены патриотического клуба колледжа нефтяной и газовой промышленности.

При выполнении упражнения пулевой стрельбы в личном зачете больше всех очков выбил Журабек Хасанов из г.Бухары. При выполнении упражнения надевания противогаза намного опередила другие клубы команда клуба школы №43 города Гиждувана (руководитель Б. Шарипов).

По подтягиванию на перекладине сильнее всех оказался спортсмен патриотического клуба из города Бухары Тавакал Ахмедов, который подтянулся 30 раз. Его результат оказался решающим для команды, которая заняла в этом упражнении 1-е место. Он же был лучшим и в выполнении упражнения на брусьях.

Дальше всех метнул гранату спортсмен из города Гиждувана Фирдавс Асадов, выведя свою команду на первое место.

Победа в легкоатлетическом кроссе, несмотря на старания соперников, досталась спортсменам патриотического клуба педагогического колледжа Бухарского района (руководитель Ю. Абдуллаев).

В итоге общекомандные места распределились так: 1-е место – патриотический клуб колледжа нефтяной и газовой промышленности города Бухары, 2-е место – патриотический клуб педагогического колледжа Бухарского района, 3-е место – патриотический клуб школы №2 Ромитанского района.

Победитель и призеры спартакиады были награждены кубками, дипломами областного совета ОСО «Ватанпарвар» и ценными подарками. Команде-победительнице был торжественно вручен переходящий кубок ОСО «Ватанпарвар» Бухарской области.

**Геннадий ХАЛИМОВ,**
**заместитель председателя Бухарского областного совета ОСО «Ватанпарвар».**

Бокс

## НАДЕЕМСЯ НА УСПЕХ

14 апреля в германском городе Штутгарте состоится бой за звание чемпиона мира по версии WBA среди супертяжеловесов между нынешним чемпионом мира Николаем Валуевым и претендентом на чемпионский пояс – нашим соотечественником Русланом Чагаевым.

По мнению специалистов, у мастера кожаной перчатки Руслана Чагаева появился большой шанс «побиться» за чемпионский титул, и он приложит максимум усилий, продемонстрирует все свое мастерство, чтобы стать чемпионом мира.

Как говорят тренеры и специалисты, Руслан Чагаев 14 апреля на ринг выйдет в пике спортивной формы.

Напомним, что узбекистанский атлет за время пребывания на профессиональном ринге провел 23 боя. Из них в 22 одержал победу, а один завершил с ничейным результатом.

Что ж, удачи тебе Руслан! Все многочисленные болельщики надеются на успех.



## АСОСИЙ ТАРКИБ БИЛАН

Ҳар йили апрель ойининг биринчи ўн кунлигида Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида «Қирол кубоги учун» бокс бўйича халқаро чемпионат уюштирилади. Осиёнинг энг нуфузли мусобақаларидан бири ҳисобланган ушбу беллашувларда мамлакатимиз чарм қўлқоп усталари ҳам муваффақиятли қатнашиб келишмоқда. Жаҳоннинг энг кучли боксчилари билан баҳс юритиш мақсадида айни пайтда вакилларимиз сўнгги тайёргарлик машқларини тугатиб, Тошкент халқаро аэропортидан Таиландга учиб кетишди. Хабарингиз бўлса, ўтган йили мусобақада армия спорти фахри бўлган халқаро тоифадаги спорт устаси, икки карра жаҳон чемпиони офицер Дилшод Маҳмудов иккинчи ўринни эгаллаб қайтган эди. Бу йилги беллашувларда эса Бангкок рингида терма жамоамиз шарафини Баҳодир Султонов, Шерзод Раҳмонов, Жасур Султонов, Элшод Расулов, Рустам Саидов каби спортчилар ҳимоя қилади.

Эслатиб ўтамиз, 14 апрелда эса боксчиларимизнинг Германияда ўтказиладиган яна бир йирик халқаро турнирда иштирок этиши режалаштирилган.

**Карина ҚУРБОНОВА.**

Теннис

## УВЕРЕННАЯ ПОБЕДА

В Индийском городе Мумбае завершился Международный турнир по теннису среди женщин «Мумбай-2007». Наша соотечественница Акгуль Омонмуродова на этом турнире стала абсолютной чемпионкой. Узбекистанская спортсменка, выступавшая под четвертым номером, на пути к финалу одержала уверенные и красивые победы над своими соперницами Ишой Лакханини из Индии, Амбер Люни (США), Ванг Тин Люни (Китай). Также она заставила зачехлить ракетку и одну из лучших теннисисток из Китая Чонг Ченни, которая имеет высокий мировой рейтинг.

В финальной встрече за главную награду турнира Акгуль Омонмуродова вышла на корт с опытным мастером ракетки Стефани Воегелегой. Наша теннисистка одержала убедительную победу в двух сетах – выиграла со счетом 6:0, 7:5. Таким образом, наша соотечественница стала обладательницей главного приза.

Кураш

## ИЛК ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

Ўзбекистон Президенти соврини учун Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб 13-14 апрель кунлари ўтказиладиган VIII халқаро турнир ва аёллар ўртасида ўтадиган илк жаҳон чемпионатида 30 дан зиёд мамлакат вакиллари қатнашиши кутилмоқда.

Мазкур турнирга тайёргарлик жараёнида ўз бағрига 10 минг томошабинни сиғдира оладиган «Алпомиш» стадиони таъмирдан чиқарилди. Турнирга Буюк Британия, Жанубий Африка Республикаси, Макао, Япония, Россия, Бразилия, Жанубий Корея, Эрон, Янги Зеландия, Канада, Греция каби мамлакатлар полвонлари ташриф буюриши кутилмоқда. Умумий мукофот жамғармаси 21200 АҚШ долларини ташкил қилувчи мазкур йирик мусобақада полвонлар етти вазн тоифасида ғолиблик учун гиламга чиқадилар. Аёллар ўртасида ўтадиган илк жаҳон чемпионатида ғолиб ва совриндорлар уч (52 кг, 63 кг,+63 кг.) вазн тоифасида аниқланади.

Дзюдо

## РАСТЕТ ДОСТОЙНАЯ СМЕНА

Достойная растет смена нашим ведущим армейским спортсменам-единоборцам, особенно дзюдоистам. Яркий тому пример – прошедшее в Чирчикском спорткомплексе молодежное первенство Узбекистана по борьбе дзюдо.

– В этих соревнованиях приняли участие три члена спортактива МХСК, – говорит тренер по дзюдо служащий Вооруженных Сил Борис Григорьев. – И все трое – Азиз Курбанов (66 кг), Суннатулло Азимов (73 кг) и Юсуф Маманоров (+ 100 кг) – выступили достойно. Они стали серебряными призерами первенства.

Следует добавить, что члены спортактива МХСК Азиз Курбанов и Суннатулло Азимов – 1990 года рождения. Несмотря на свой юный возраст, они проявили настоящий армейский характер и удостоились высоких наград.

**Соб. инф.**

Футбол



## БИРИНЧИ ДАВРА ЯКУНЛАНДИ

Футбол бўйича 2008 йилда Пекинда бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинлари йўлланмаларини қўлга киритиш учун ўтказилаётган саралаш баҳсларининг Осиё минтақаси иккинчи босқич гуруҳ учрашувларининг биринчи даврасi якунланди. Мусобақанинг «F» гуруҳида иштирок этаётган Ўзбекистон олимпиа терма жамоаси сўнгги турда Сеулда Жанубий Корея олимпиачилари меҳмони бўлди.

Дастлабки икки турда иккала жамоа ҳам юз фоизлик натижага эришиб, гуруҳда пешқадамлик қилишаётган эди. Шу боис ҳам мазкур учрашув жуда қизиқарли ўтди. Иккала жамоа футболчилари ҳам бир қанча қулай имкониятларга эга бўлишди. Аммо омад майдон эгаларига кулиб боқди. Кореялик футболчилар А.Ашуров қўриқлаган вакилларимиз дарвозасига иккита жавобсиз тўп киритиб, муҳим ғалабани қўлга киритишди ва гуруҳда 9 очко билан якка пешқадам бўлиб олишди. Ушбу гуруҳдаги иккинчи учрашувда Бирлашган Араб Амирликлари футболчилари Яман олимпиачиларини 2:1 ҳисобида доғда қолдиришди.

Биринчи даврадан сўнг ҳамюртларимиз 6 очко билан иккинчи ўринни эгаллаб туришибди. БАА футболчилари 3 очкога эга, Яман жамоаси эса барча учрашувларда мағлубиятга учраган. Эслатиб ўтамиз, икки давра натижаларига кўра гуруҳдан икки жамоа кейинги босқичга йўл олади.

Ҳал қилувчи иккинчи давра ўйинлари 18 апрель куни бошланади. Шу куни Ўзбекистон олимпиа терма жамоаси Жанубий Корея футболчиларини қабул қилади.

## МАРКАЗИЙ УЧРАШУВДА – ДУРАНГ

Футбол бўйича Ўзбекистон XVI миллий чемпионати олий лига жамоалари учинчи тур учрашувларини ўтказишди. Бу йилги чемпионат аввалги йиллардагига қараганда анча қизиқарли ўтмоқда. Учинчи тур натижалари ҳам бунга яққол мисол бўлади. Ўтказилган саккиз учрашувнинг фақат биттаси дуранг натижа билан якунланди, ҳаммаси бўлиб дарвозаларга 30 та тўп киритилди.

Турнинг марказий учрашуви Муборак шаҳрида бўлиб ўтди. Маҳаллий «Машъал» жамоаси мамлакат чемпиони Тошкентнинг «Пахтакор» футболчиларини қабул қилди. Майдон эгалари Осиё чемпионлари лигаси иштирокчиларига муносиб қаршилик кўрсатишди. Иккинчи бўлим бошларида ҳисобни очган муборaклик футболчилар мавсумдаги дастлабки сенсация соҳиби ҳам бўлишлари мумкин эди. Аммо яқиндагина «Пахтакор» сафига қайтган маҳоратли ҳужумчи А.Гейнрих жавоб тўпини киритиб, меҳмонларни мағлубиятдан сақлаб қолди – 1:1.

Чемпионат медалларига даъвогар саналаётган Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари ўз майдонларида «Шўртан» футболчиларини қабул қилиб, 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Олий лига дебютанти, мавсум олдидан бир қанча шов-шувларга сабабчи бўлган Тошкентнинг «Қурувчи» жамоаси ҳам кетма-кет учинчи ғалабани қўлга киритди. Бу сафар улар Бекободнинг «Металлург» жамоаси меҳмони бўлиб, 1:0 ҳисобида устун келишди. Турнинг қолган учрашувлари қуйидаги натижалар билан якунланди:

«Локомотив» – «Насаф» – 0:2, «Вобкент» – «Андижон ЎзДЭУ авто» – 0:4, «Қизилқум» – «Бухоро» – 3:1, «Самарқанд-Д» – «Навбаҳор» – 3:2, «Трактор» – «Тўпаланг» – 2:1.

Ўтказилган уч турдан сўнг барча учрашувларда ғалаба қозониб, юз фоизлик натижага эришган «Нефтчи», «Қурувчи» ва «Қизилқум» жамоалари жадвалда карвонбошилик қилишмоқда. Навбатдаги тур учрашувлари 5-6-7 апрель кунлари бўлиб ўтади.

**М.САЙДИВАЛИЕВ.**

Универсальный бой

## УЗБЕКИСТАНЦЫ – НА ПЕРВЕНСТВЕ МИРА

В Москве с 5 по 8 апреля будет проходить первенство мира по универсальному бою. На этих соревнованиях примут участие и 10 наших спортсменов.

– Такие одаренные атлеты, как Асилжон Мамажонов, Шухрат Расулов, Адхам Маматкулов и Аскарали Ибодов, – говорит тренер сборной А. Кучмуродов, – готовы побороться за медали первенства. Я верю, что мои воспитанники не вернутся на Родину без наград турнира.

Каратэ-до

## ТАЖРИБА ЎЗ СЎЗИНИ АЙТДИ

**Пойтахтимиздаги «ЖАР» спорт мажмуида каратэдонинг шотокан йўналиши бўйича 5-мамлакат чемпионати бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг барча вилоятидан келган каратэчилар ўз имкониятларини яна бир бор синовдан ўтказишди. Икки кун давомида бўлиб ўтган баҳсларда 18 ёшдан катта бўлган спортчилар ўзаро куч синашди. Улар орасида Ренат Қуттиев, Саидазиз Бурхонов, Дилноза Дўстмуҳаммедова, Мадина Акбарова каби тажрибали спортчилар борлигини инобатга оладиган бўлсак, татамидаги жанглар томошабинларнинг диққат-эътиборини ўзига қаратиши шубҳасиз эди. Мусобақа аввалида ҳакамлар учун иккинчи маротаба халқаро семинарнинг ташкил этилиши баҳсларнинг адолатли ва янада юқори савияда ўтишини таъминлади.**

Куннинг биринчи ярмида чемпионатнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яккакураши ва жанг санъати республика марказидан вакиллар иштирок этиб, айни пайтда мамлакатимизда спортнинг Шарқ яккакурашлари ниҳоятда ривожланиб бораётганини алоҳида эътироф этишди. Шунингдек, улар юртимизда каратэ-донинг шотокан йўналишини оммалаштиришда қўшган ҳиссаси учун Нурмуҳаммад Эминов, Муҳаммадали Пўлатов сингари фахрий спортчиларга федерация томонидан қора белбоғ топширишди.

Тадбир давомида «Азамат Карим», «Миробод» клуби аъзолари томонидан ташкиллаштирилган кўргазмали чиқиш чемпионатнинг очилиш маросимига ўзгача файз бағишлади.

Энди бевосита беллашувларга тўхталсак, чемпионатда иштирок этаётган спортчиларнинг аксарияти қора белбоғ соҳиблари ва тажрибали каратэчилар эканлигини ўзларининг кураш услубида кўрсата олди, дея бемалол таъкидлашимиз мумкин. Айниқса, асосий ўринлар учун кечган баҳслар ниҳоятда муросасиз тарзда бўлиб ўтди. Кутилгандан-да кескин жангларда етти вазн тоифасида ғолиблар номи аниқланди. 18 ёшдан катта бўлган қизлар ўртасида ўз вазн тоифаларида Дилноза Дўстмуҳаммедова, наманганлик Дилдора Абдукаримоваларга тажриба борасида етадиган рақиб топилмади. Ўғил болалар баҳсларида эса Эркин Обидов, Шамсиддин Қорақулов каби спорт усталари Ўзбекистон чемпиони деган номга муносиб эканлигини амалда яна бир бор исботлашди.

**Холида БЕКНАЗАРОВА.**



## ҲАФТА ГЎЗАЛИ

Гўзаллик ҳақида сўз кетганда нафақат қизларнинг ҳусну латофати, балки ҳаё ва ибоси, зукко ва ширинсуханлиги ҳам эътироф этилади, шубҳасиз. Тошкент ҳуқуқшунослик коллежи талабаси Шаҳноза Юлдашевани бу борада гўзал қизларимиздан десак арзийди. Чунки қалб гўзаллигига эга инсоннинг мақсад ва орзулари ҳам эзгуликка йўғрилган, юксак бўлади албатта. Шаҳноза ҳақида сўз юритилганда аввало унинг тил ўрганишга чанқоқлиги биринчи бўлиб айтилиши бежиз эмас. У бу борада доимо интилишда. Шунингдек, барча ёшларга хос ҳафтамиз гўзалининг мусиқага меҳри баланд. Унинг коллежда аълочилар сафида эканлиги, чаққон ва чеварлиги эса гўзаллигига гўзаллик қўшган хислатидир.

Лобар ва зебо қизлар! Сизларнинг ҳар бирингизда суратингизни газетамизнинг энг оммабоп рукнларидан бирида эълон қилиш ва «Ватанпарвар»нинг «Ҳафта гўзали» номига сазовор бўлиш имкони бор. Таҳририятимиз манзилига ўзингизнинг энг яхши суратингизни (рангли, ўлчами 10х15 см.дан кичик бўлмаган) жўнатинг. Қисқача ўзингиз, қизиқишларингиз, ҳаётий интилишларингиз ва орзу-мақсадларингиз ҳақида ёзиб юборинг. Ўз почта манзилингиз ва алоқа боғлаш учун телефон рақамингизни кўрсатишни унутманг (бу маълумотлар фақат таҳририят учун, улар сир сақланишига кафолат берамиз). Газетхонларимизнинг энг кўп овозини тўплашга муваффақ бўлган суратнинг эгаси эса таҳририятимиз мукофотига сазовор бўлади.

## ПОСВЯЩЕНИЕ ЮБИЛЕЮ ГОРОДА

**В стране проводятся различные просветительские вечера, встречи и беседы, посвященные 2750-летию Самарканда. В Навоийской области завершился областной этап Республиканского смотра-фестиваля «Поклонение вечно молодому Самарканду». В нем приняли участие фольклорно-этнографические ансамбли, художественные самодеятельные коллективы и кукольные театры.**

Участники фестиваля состязались в исполнении образцов устного народного творчества, лапаров, ялла и национальных танцев. Прозвучали песни и мелодии, воспевающие бесценную жемчужину Востока – Самарканд.

Первое место в смотре занял фольклорно-этнографический художественный коллектив Нуратинского района «Нуржахон», который и получил путевку на Республиканский этап фестиваля в Самарканде. Призовые места завоевали также ансамбли «Хушан замон» Навбахорского района, «Ёр-ёр» Хатырчинского района и «Кармана юлдузлари» Карманинского района.

**Яркул УМАР.**
**(УзА).**

КЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Таниқли шоир Искандар Раҳмоннинг «Она Ватан – муқаддас маскан» деб номланган ушбу шеърида Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат тафтини сезасиз. Ўйлаймизки самимий сатрлар шеър ва қўшиқ ихлосмандларини бефарқ қолдирмайди.

## ОНА ВАТАН – МУҚАДДАС МАСКАН!

Она Ватан – муқаддас маскан,
Ватан – Она каби улуғдир!
Унинг ишқи тилларда достон,
Инсон борки, бахти тўлуғдир!

Ватан – кучли ҳимоя билан,
Чин эътиқод, чин ғоя билан!
Ватан учун кўксини қалқон
Қилгувчи мард, чўнг қоя билан!

Ватан, қувон, сафда жанговар,
Жасур, марду майдонларинг бор!
Минг лашкарга битта ўзи тенг,
Чайир навкар, посбонларинг бор!

Сарҳадларинг дахлсиз, Ватан,
Осмонингда бир зоғ учолмас!
Гулла, яшна, ҳур Ўзбекистон,
Посбонингдан рози бўлсанг бас!

МАЪНАВИЯТ

Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига

## ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИНИ ХОТИРЛАБ

Капитан Маҳмуд Ортиқов етакчилик қилаётган Тошкент гарнизони офицерлар уйида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига бағишланган маърифий кеча бўлиб ўтди.

Тадбирда офицерлар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда аскарлар иштирок этишди.

Кечага таклиф этилган меҳмонлар, филология фанлар номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Сайди Умиров, «Шарқ юлдузи» журнали масъул ходими шоир Икром Отамурод, таниқли шоир ва публицист Шодмон Отабек ва Абдулла Қаҳҳор уй музейи бошлиғи Нодира Жалоловалар сўзга чиқишиб, Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди, асарларининг ёзилиш тарихи ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Машҳур ёзувчи билан боғлиқ хотиралари билан ўртоқлашдилар. Шундан сўнг Абдулла Қаҳҳорнинг ўзбекча кўплаб хорижий тилларда кўпминг нусхада чоп этилган китоблари кўргазмаси, ёзувчи ҳаётидан ҳикоя қилувчи видеолавҳалар намойиш этилди. Маърифий тадбир йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

**Навбаҳор ЖАЛИЛОВА.**

Миннатдорчилик

## ХАЙРЛИ ВА САХОВАТЛИ ИШ

Навоий вилояти мудофаа ишлари бошқармаси шахсий таркибининг Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан меҳрибонлик уйимиз учун қилишган хайрли ва саховатли ишлари учун Мудофаа вазирлигига ва мазкур бошқармага ўз миннатдорчилигимизни билдирмоқчимиз.

Ватанимиз ҳимоячиларининг ҳомийлик ёрдамидан меҳрга муҳтож тарбияланувчиларимизнинг бошлари осмонда, қувончлари чексиз. Меҳрга, мурувватга зор кемтик қалбларга шодлик улашишдан ҳам улуғроқ иш бор эканми?!

Фурсатдан фойдаланиб, посбонларимизнинг юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида олиб боришаётган олижаноб ишларига муваффақиятлар тилаб қоламиз.

**Л.ЮРИКОВА,**
**Меҳрибонлик уйи директори.**

## ЁШЛАР САЙЛИ

Наврўз умумхалқ байрамини пойтахтдаги олий ўқув юртлари талабалари ҳам кўтаринки руҳда нишонламоқдалар. Жумладан, шаҳарнинг Собир Раҳимов туманида жойлашган «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ҳудуддаги таълим муассасалари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Ёшлар сайли» байрам тадбирини ўтказди. Унда элимиз ардоғидаги хонандалар, эстрада юлдузлари ўзларининг байрамга бағишланган концерт дастурларини намойиш этдилар. Шунингдек, таълим муассасалари ҳаваскорлик жамоалари ҳам ўз чиқишлари билан йиғилганларнинг қувончига қувонч қўшдилар.

Тадбир давомида Тошкент Давлат техника университети томонидан шаҳарча «Маънавият ва маърифат» марказида, Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуасида талабалар, таълим муассасалари ўртасида спортнинг кўплаб турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Бундан ташқари дошқозонларда сумалак, байрам оши пиширилиб, талаба-ёшларга, теварак-атрофдаги маҳаллаларга тарқатилди. Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон талаба-ёшлар рағбатлантирилди.

Миллий университет факультетлари ўртасида «Баҳорий таомлар» тайёрлаш, «Аёл гўзаллиги ва нафосати», «Юртимизда Наврўз» мавзусида чизилган деворий газеталар кўрик- танловлари, мушоиралар ҳам ўтказилди. Ғолиблар «Камолот» ЁИҲ ва талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Эзгулик, меҳр-оқибат, қадриятларимизнинг ҳақиқий намойиши бўлмиш Наврўз байрами доирасидаги ранг-баранг тадбирлар талабалар шаҳарчасида 15 апрелгача давом этади.

**Фозил ЖАББОРОВ,**
**Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси.**



## ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ СИФАТИ – ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК ОМИЛИ

Умида Зайнуддинова мудиралик қилаёган Мудофаа вазирлигига қарашли «Қалдирғоч» мактабгача таълим муассасасида тарбиячиларнинг ўқув-амалий йиғини бўлиб ўтди. Йиғинда Тошкент ва Чирчиқ гарнизонидаги мактабгача таълим муассасалари мудиралари ва услубчи-тарбиячилари иштирок этдилар. «Болаларда математик тасаввурларни шакллантириш жараёнида интеллектуал ўйинларнинг аҳамияти» мавзусида ўтказилган мазкур тадбир асосан амалий машғулот таризда ўтказилди. Болалар билан ўтказилган ушбу машғулотларни услубчи-тарбиячи Феруза Умарова олиб борди. Машғулотларда асосий эътибор, ҳисоблаш кўникмаларини мустаҳкамлаш, қизиқарли мавзулар асосида математик масалаларни тузиш ва уларнинг ечимини топиш, болаларда турли ўйинлар орқали геометрик тасаввурларни шакллантиришга қаратилди.

– Ушбу йиғинни ўтказишдан мақсад, янги педагогик технологияларни таълим-тарбия жараёнига олиб киришдир, – дейди Мудофаа вазирлигига қарашли мактабгача таълим муассасалари билан ишлаш бўлими бошлиғи Моҳида Атабаева. – Қизиқарли математика бу – тарбиячининг болалар билан самарали ўзаро алоқасини таъминловчи восита. Аслида боғча ҳам билим маскани. Турли бошқотирмалар, қизиқарли масалалар ва арифметик топшириқлар болаларни ўйлашга, фикрлашга ўргатади. Бу эса болаларнинг ақлий фаолиятини такомиллаштиради. Уларда кейинчалик қайси соҳада ишламасинлар касбий маҳорат учун зарур бўлган сифатларни ривожлантиради.

**Лола ТУРСУНБОЕВА.**

## ЎКСИК ҚАЛБЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ

Ўзбекистон давлат консерваториясида мамлакатимиз мустақиллигини ва конституциявий тузумни ҳимоя қилиш йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ҳамда террористик актлар натижасида қурбон бўлган фуқаролар хотирасига бағишланган хайрия тадбири бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Республика Бош прокуратураси, давлат муассасалари ва жамоат ташкилотлари ходимлари касаба уюшмасининг Марказий Кенгаши ҳамда Қуролли можаролар ва антитеррористик кураш қурбонлари, ногирон-фахрийларнинг «Ватан» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда ушбу муассаса ва ташкилотларнинг масъул ходимлари, қурбон бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари, офицерлар, курсантлар иштирок этдилар.

Сўзга чиққанлар ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи Ватанни кўз қорачиғидек асраш ва уни ҳимоя қилиш эканлигини, агар бирор бир мамлакатда тинчлик ва хотиржамлик бўлмаса, у ерда ҳеч қачон гуллаб- яшнаш ва фаровон турмуш бўлмаслигини, шундай экан, юртимиз хавфсизлигини сақлаш йўлида мардонавор жанг қилиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган асл юрт ўғлонларини халқимиз унутмаслигини, улар қалбларда мангу қолишини таъкидладилар.

Шундан сўнг Бош Прокуратура матбуот хизмати томонидан тайёрланган, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида бўлиб ўтган фожиали можаролар, террористик ҳужумлар ва уларнинг оқибатлари ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмлар намойиш этилди.

Тадбир якунида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига турли қимматбаҳо совғалар топширилди.

– Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад, террористик актлар натижасида қурбон бўлган фуқароларни ёдга олиш ва уларнинг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларга кенг жамоатчилик томонидан эътиборни янада кучайтиришдир, – дейди Қуролли можаролар ва антитеррористик кураш қурбонлари, ногирон-фахрийларнинг «Ватан» хайрия жамғармаси раиси Баҳодир Азизхўжаев. – Шу орқали уларнинг ўксик қалбларига озгина бўлса-да қувонч улашсак, биз ўз олдимизга қўйган мақсадимизга эришган бўламиз.

**Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.**

## «МИЛЛИЙ ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ» ФЕСТИВАЛИ

Ўзбек халқининг энг қадимий ва ҳамиша навқирон байрами бўлган Наврўз азалдан кўҳна анъаналаримиз, урф-одатларимиз, қадриятларимиз ифодаси бўлиб келган. Ота-боболаримиз не-не замонлардан буён Наврўзни бахт ва омонлик байрами сифатида нишонлаб, бу байрамга соғ-саломат етиб келганликлари учун Яратганга шукроналар айтганлар. Шунинг учун мустақиллик йилларида мазкур байрам билан боғлиқ барча анъана ва удумларимиз қайта тикланди ҳамда улар янгича мазмун билан бойиди.

Ўқувчи ёшларнинг баҳорги таътил кунларини мароқли ташкил этиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими томонидан ташкил этилган «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» лойиҳаси доирасида ўтказилган «Миллий халқ ўйинлари» фестивали ҳақиқий халқ сайлига, дўстлик ва бирдамлик байрамига айланиб кетди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалнинг навбатдаги беллашуви ҳарбий оилалар истиқомат қиладиган шаҳарчада бўлиб ўтди. Фестивалда ҳарбий хизматчиларнинг 8 ёшдан 14 ёшгача бўлган фарзандларидан ташкил топган «Қалқон», «Чегарачи», «Лочин», ички ишларга қарашли «Қалдирғоч» жамоалари ўзаро беллашдилар.

Турли миллат фарзандларидан иборат болаларнинг даврага тушиб, «Кўз бойлаш», «Қувноқ чавандозлар», «Тортишмачоқ», «Супур-супур», «Чиллаки», «Ким кучли?», «Сополак», «Оқ теракми, кўк терак», «Арғимчоқ» каби халқ ўйинларини чаққонлик билан бажарганларини кўриб, беихтиёр кишининг қалби ғурур ва ифтихор ҳисси билан тўлади. Болалик пайтларимизда айни кўклам палласида осмонларни тўлдириб варрак учирганимиз, майин сочларимизга толбаргаклар таққанимиз, қўшни қизлар билан «тўп тош» ўйнаганларимиз ёдга тушади.

Мусобақада «Қалқон» жамоаси биринчи ўринни, «Лочин» жамоаси иккинчи ўринни эгаллади. Ғолиблар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаркатининг Собир Раҳимов тумани бўлими томонидан эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

**Жамила ҒАНИЕВА,**
**Тошкент ҳарбий округи ҳарбий хизматчилар оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи.**



Сурат таҳририят фотоархивидан олинди.




# ОНА ЮРТНИНГ БЕТАКРОР КУЙЧИСИ

Ассалом, эй менинг бағри кенг халқим,
Мусаффо осмонга кўнгли тенг халқим.
Сенга бахт замони берди истиқлол,
Қуёшдай нур сочиб турар истиқбол.

Ушбу сатрларга кўзингиз тушган заҳоти она юрт куйчиси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист подполковник Марат Ҳакимов кўз олдингизга келиши табиий ҳол. Жарангдор овозли бу ҳарбий санъаткорни халқимиз айниқса, катта байрам саҳналари орқали яхши танийди.

Тан олиш керакки, Ватан ҳақида кўнгилларга етказиб қўшиқ куйлаш осон эмас. Шоирнинг Ватанга бағишланган ҳар бир сатри бедор лаҳзалар ила юракнинг энг тубида асралгувчи сўнмас муҳаббат уйғунлигида дунёга келади. Уни куйга солган бастакору саҳнага олиб чиққан қўшиқчи ҳам шеърнинг руҳиятига кира билиши, қўшиққа сингиб кетиши лозим. Шундагина қалбларни титратадиган дилга яқин қўшиқлар дунёга келади. Марат Ҳакимов мухлисларига айнан ушбу сеҳрли, ҳаяжонли ҳолатни қўшиқлари орқали туҳфа эта оладиган иқтидорли санъаткордир. Унинг фидойи хизматлари Президентимиз томонидан «Шуҳрат» медалига лойиқ топилганлиги бежиз эмас.

Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблида кўп йиллардан буён фаолият юритиб келаётган ҳарбий қўшиқчи жасоратга чорлаб турувчи ижоди билан минглаб кўнгилларни забт этгани аниқ. Мен ҳам унинг мухлиси сифатида ижодига доимо эътибор қаратиб келаман. Шуни тан олиш керакки, Марат аканинг ҳарбий қўшиқчи сифатида катта саҳналарда доимо ўз ўрни бўлиб келган, халқ олқишлар ила қарши олган.

Таниқли санъаткорнинг ҳаёт йўлига қисқача назар ташлаб ўтадиган бўлсак, Қашқадарёнинг Чироқчисида бундан эллик йил аввал бўлажак қўшиқчимиз дунёга келган. Аҳмад ака ва Ҳалима опаларга ўғилларининг эл назаридаги етук санъаткор бўлиши ёшлик чоғлариданоқ аён бўлган бўлса, ажабмас. У ўқувчилик чоғлариданоқ ўз истеъдодини турли танловларда намоён эта олди. Тошкент театр ва рассомчилик институтида олган таълими эса келажагида катта ўрин тутди, шубҳасиз. Шундан сўнг Марат аканинг ҳаёти туб маънода саҳнага боғланди. Турмуш ўртоғи Галина опа ҳам мусиқачи бўлиб, бу икки гўзал жуфтликка ҳавас қилса арзийди. Фарзандлари Тимур Ҳакимов эса ҳозирча бошқа соҳа вакили. Келажакда ота-онасининг издоши бўлса, ажабмас.

Йилларнинг ўтишини қарангки, таниқли санъаткор яқинда эллик ёшни қаршилади. Шу муносабат билан Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида Ватан куйчисининг ижодий кечаси бўлиб ўтди. Кечада унинг мухлислари, дўсту қадрдонлари, таниқли қўшиқ усталари, сафдошлари иштирок этишди. Қадди йигитлардек тик, овози жарангдор Марат Ҳакимов саҳнага:

Ўзбекистон – боғу бўстон Ватаним,
Тилло замин, нурли осмон – Ватаним,
Тангри суйган ўлкаларнинг жаннати,
Таърифлари тилда достон – Ватаним...,

дея қўшиқ куйлаб чиқиб келганида залда гулдурос қарсаклар янгради. Сир эмаски, йиғилганлар нафақат уни қутлашга, балки бетакрор санъатидан баҳраманд бўлиш учун ҳам ташриф буюришган, албатта. Кечада дастлаб сўз олган Мудофаа вазирлиги масъул ходими полковник Николай Носиров ижодкор ўз санъати орқали ватанпарварлик руҳини қалбларга сингдириб, юртга бўлган муҳаббат, садоқат туйғусини ўзига хос тарзда тарғиб этганлигини эътироф этиб ўтди. Санъаткорга Мудофаа вазирлигининг Фахрий ёрлиғи тақдим этилди.

Устозларини қутлаш учун унинг сафдошлари – Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблининг санъаткорлари саҳнага чиқишиб келишар экан, эзгу тилаклар шеърларга, қўшиқлар рақсларга уланди. Ғайрати жўшқин кеча сабабчиси ҳам уларга қўшилиб қўшиқ куйлади:

Боболарим ларза солар ўтган тупроқ,
Момоларим алла айтиб ёққан чироқ,
Жон не керак шу макондан айрилган чоғ
Фидо бўлсин ширин жоним остонангга...

Марат акани байналмилал қўшиқчи десак, хато қилмаган бўламиз. Шу сабабли, Рус, Корейс, Татар маданият марказларининг ходимлари ҳам кеча сабабчисини таваллуд куни билан муборакбод этиш мақсадида навбати билан саҳнага кўтарилишди. Дилдан айтилган самимий қутловлар ила гуллар, совғалар ҳадя этишди. Марат акани кўп давраларда романслар ижро этганига гувоҳ бўлганман. Унинг мухлислари ҳар гал шу лаҳзаларни интиқиб кутишади. Бу гал ҳам кеча иштирокчилари таниқли қўшиқчининг романсларидан баҳраманд бўлишди:

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ғиёс Бойтоев, Юлдуз Абдуллаевалар ҳам санъат йўлидаги сафдошларини нафақат эзгу ниятлар, балки ўз қўшиқлари билан қутлаб, ижодий кечага ўзига хос файз киритишди. Орада яна Марат Ҳакимовнинг жарангдор овози янгради:

Эй дунё назари тушган ҳур ўлка,
Сен билан биз доим елкама-елка.
Йўлбошчинг ёнида камарбастамиз,
Метиндай мустаҳкам пўлат сафдамиз...

Дўстлару яқинларининг самимий дил изҳорлари оғушида ҳаяжон ичра ўтирган Марат акага эътибор бераман. Очиқ чеҳрасида мамнуният, санъат соҳасида босиб ўтган ўзига хос машаққатли йўлда қадр топганидан миннатдорлик ҳисси балқиб турибди. Шубҳасизки, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист подполковник Марат Ҳакимовнинг янада ёрқин ижоди ҳали олдинда. Халқимиз Ватан куйчиси бўлган ҳарбий санъаткор ўғлидан албатта бетакрор қўшиқлар кутиб қолади.

**Зулфия ЮНУСОВА.**

Театральный сезон

# РАДИ БОЛЬШОЙ ЛЮБВИ

**Интересно прошел День духовности у студентов Ташкентского архитектурно-строительного института. Для них при содействии отдела «Маданият ва маърифат» при институте был специально организован культпоход в Государственный академический Большой театр имени Алишера Навои. Молодые люди с огромным интересом в течение двух часов следили за тем, как разворачивалась трагическая история любви в рамках оперы «Дилором» Мухтора Ашрафи.**

На суд зрителей был снова представлен любовный треугольник. Судьбу героев в нем решила «горстка золотых монет». Несправедливость жизни, горечь разлуки, хитрость и безумство власть имущих и любовь были показаны зрителю лауреатом Государственной премии «Нихол» Саидой Мамадалиевой, заслуженными артистами Узбекистана Бахтиёром Расуловым, Шукуром Гофуровым, Усмонбеком Тошматовым, Пулатом Мустафоевым и солисткой оперы Лолой Нигматовой.

Главная героиня, юная невольница Дилором, славящаяся в округе чарующим бархатным голосом, встретила художника Мони. Он небогат, как и многие люди творчества. Занимается росписью стен дома купца Улуг Ходжи. Нежданно-негаданно Дилором и Мони полюбили друг друга большой любовью. И вроде ничто не могло разлучить молодых и разрушить их чистую любовь. Мечты о свадьбе и счастливой совместной жизни были разбиты богатым шахом Бахрамом, который заприметил возлюбленную Мони. Так оказалась Дилором «птицей в золотой клетке» у шаха. За богатые дары превратилась она в рабыню. После долгих поисков Мони вновь встречает Дилором и обретает надежду. Но несмотря на то, что мир полон добрых людей, находятся все же интриганы и лицемеры. Таким оказался визирь Ардашер, который использовал влюбленных в своих целях. Он предложил Дилором средство «спасения» (отравить шаха), которое в итоге привело героев оперы к трагедии.

Художник Мони по приказу шаха Бахрама был приговорен к виселице. Сама Дилором брошена в пустыню, где в отчаянии и скорби призывает Мони и умирает на руках возлюбленного.

**Эналида ТЯН.**

## АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

Аждодлар ҳарбий мероси

# ЧОКАРЛАР – САДОҚАТЛИ ЎҒЛОНЛАР

Ўлкамиз давлатчилиги тарихи энг қадимги даврлардан бошланиши ҳаммамизга аён. Ҳар бир давлат шаклланар экан, ўз сарҳадларини ҳимоя қилиш ва мустақиллигини сақлаш учун Қуролли Кучларини тузади. Милоддан аввалги VII асрда массагетлар маликаси Тўмарис бошлиқ қабилаларнинг бирлашган қўшинлари мамлакатимиз сарҳадларига бостириб кирган Эрон аҳамонийларига қарши курашиб, босқинчиларни тор-мор этганлар. Бу эса мамлакатимиз ҳудудларида шу даврлардан бошлаб доимий қўшинлар тузилганлигини ва улар маълум қоидалар асосида бошқарилганлигидан далолат. Кушон ва Қанғ давлатлари катта қўшинларга эга бўлишиб, нафақат юришларда, балки давлатнинг бошқариш ишларида ҳам ҳарбийлар иштирок этганлар.

Бешинчи асрга келиб, доимий қўшинга эга бўлиш ҳолатлари майда шаҳар давлатларида шаклланганлигини кўришимиз мумкин. Шаҳар давлатлари шаклланган даврда улар хавфсизлигини таъминлаб, уни ички ва ташқи ёвлардан муҳофаза қиладиган 50-100 ва баъзан ундан ҳам ортиқ қуролланган ҳарбийлари бўлган. Улар «чокарлар» деб аталган. Чокарлар бақувват, абжир ҳамда ўз валинеъматига садоқатли ўспиринлардан танлаб олинган. Хитой манбаларида ҳамда хитой сайёҳи Сюанцзаннинг маълумотларига кўра, Бухоро ва Самарқанд деҳқонлариинг чокарлари ўлимга тик боқиб, ниҳоятда жасур ва жанговар бўлган. Айрим манбаларда қайд этилишича, ўша давр удуми бўйича хожаси вафот этган чокарлар ҳатто у билан бирга тириклайин гўрга кўмилган. Деҳқонлар бундай содиқ ва жанговар чокарлар билан уруш бўлган пайтда душманга қарши ҳарбий юришларга қатнашар, осойишталик замонда эса уларга суяниб, қишлоқнинг озод зироаткор аҳли устидан ўз ҳукмларини юргазишга ҳаракат қилганлар. Йирик шаҳарларда ўрнашган ҳарбий ҳокимлар хвабу ва хватов деб юритилган. Ўз мулкларини бошқаришда улар асосан чокарлардан фойдаланганлар. Ўзаро муносабатлар ҳарбий қўшин тузилишига ҳам таъсир қилган.

Турк ҳоқонлиги мамлакати чорвадор кўчманчи ва ўтроқ деҳқон аҳолига бўлинган. Кўчманчи чорвадор аҳоли «бўдун» ёки «қор бўдун» номлари билан юритилган. Бўдун ўз навбатида қабилалар иттифоқи бирлашмасини ташкил этган. У «ўн ўқ бўдун ёки «ўн ўқ эл» деб юритилган. Ўн ўқ бўдун ёки элининг ҳокими «ябғу» ёки «жабғу» номи билан аталар эди. Ябғу даражасига фақат ҳоқон уруғига қон-қариндош бўлганларгина кўтарилган. Ҳар бир ўқ бўдун ёки ўқ эл сардори раҳнамолигида бир туман, яъни ўн минг суворийни сафга тортар эди. Бундай ҳарбий бўлинманинг туманбошиси «шод» деб юритиларди. Ўн ўқ бўдун ўз навбатида «беш ўқ» бирлашмаси асосида шарқий ва ғарбий икки қанотга бўлинарди. Шарқий қанот ўқлари «чўр», ғарбий қанот ўқлари эса «эркин» деб аталган қабила сардорлари томонидан бошқариларди. Хуллас, элининг қабилавий асосда таркиб топган ҳарбий бўлинмаларидан иборат икки қанотга бўлиниб бошқаруви ўтмишда кўпгина йирик туркий қабилавий иттифоқларга хос эди. Ҳарбий юришлар вақтида улар жанговар кучга айланиб, катта куч ва анъанавий пухта бошқарув тартибларига эга бўлган ҳар қандай йирик давлатни ҳам даҳшатга соларди. Бундай ҳарбий қўшинларнинг тузулмалари Турк хоқонлигининг узоқ вақт давомида хукмронлик қилишига имконият яратиб берди.

XII аср бошида Чингизхон томонидан тузилган мўғуллар қўшин тузилишида шаклланган ўнлик, юзлик ва минглик қўшин бирикмалари Амир Темур томонидан мукаммаллаштириб, қўлланган. Темур қўшини ўнлик аскарий бирикмалар асосида тузилган лашкарлардан иборат эди. Лашкар «туман» – ўн минглик, «ҳазора» – минглик, «хўшун» – юзлик ва «айл» – ўнлик бирикмалардан иборат бўлган. Туманларда аскарларнинг сони 10 минг қўшиндан 100 минг нафаргача бўлган. Темур ўн минглик лашкарни бошқариш учун «туман оғаси», минглик бўлинмани бошқариш учун «мирихазора», юзликлар учун «хўшунбоши» ва ўнликлар учун «айлбоши» каби ҳарбий мансабларни таъсис этади.

Бўлинма бошлиқлари – амирлар Темурга тобе бўлган аймоқ (қабила) дан ўн иккитаси: барлос, арғин, жалоир, тулкичи, дулдой, мўғул, сулдуз, тўқой, қипчоқ, арлот, тотор ва тархонлар орасидан сайлаб олинган. Амирлик мартабаси Темур фаолиятининг дастлабки йилларида унга содиқ бўлган 313 нафар кишига берилган. Булардан биттаси – амир ул – умаро, тўртаси – беглар беги, юзтадан – мингбоши ва ўнбоши бўлган. Булардан ташқари яна ўн икки нафар кишига биринчидан то ўн иккинчи даражали амирлик унвонларигача берилган. Ўн иккинчи даражали амир одатда амир ул-умаронинг ноиби ҳисобланади. Ўн икки амирнинг ҳар бирига биттадан байроқ ва биттадан ноғора, амир ул – умарога бир байроқ, ноғора, ўн минглик қўшин, туғ ва чортуғ, тўрт нафар беклар бегининг ҳар бирига биттадан байроқ, ноғора, чортуғ ва бурғу (карнай) берилган.

Соҳибқироннинг ҳарбий санъатга қўшган ҳиссалари жуда катта. Унг қанотларини жанг чоғида душман ҳужумидан муҳофаза қилиш ва аксинча душманнинг ён томонидан айланиб ўтиб, унга олддан зарба бериш мақсадида тузилган отлиқ қисм жорий этилган. Бундай мутлақо янги ҳарбий қисм тарихнинг гувоҳлик беришича, Александр Македонский, Ганнибал, Людвиг XIV, Фридрих, Чингизхон каби донгдор саркардалар қўшинларида бўлмаган. Фақат XIX асрнинг атоқли лашкарбошиси Наполеон Бонапарт армиясининг жанговар тартибида қўшин қанотларини ҳимояловчи қисм мавжудлигини кузатиш мумкин. Наполеон Бонапарт Шарқ мамлакатларига ҳарбий сафар қилишдан аввал Темурбек армиясининг тузилишини, унинг жанг олиб бориш йўл-йўриқларини синчиклаб ўрганган, зарур топган тактик усулларини қўллаган.

Бобокалонларимизнинг ҳарбий меросини қайта тиклаб, уларни янада бойитиб бормоғимиз лозим. Она Ватанимизнинг муносиб ҳимоячиси, қўриқчиси бўлиш бахти ҳар биримизга насиб этсин.

**Х.ХОЛМАТОВ,**
**Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти катта ўқитувчиси.**

# «АСАЛ, ЙИГИТДА ГАП БИТТА БЎЛАДИ!»

Тиниб-тинчимас ўзбек киноижодкорлари жорий йил ҳам турли мавзуларда бир қанча фильмлар яратиб, томошабинлар эътиборига ҳавола қилиб келишмоқда. Айниқса, кейинги пайтда психологик триллер, комедия жанрларидаги картиналарнинг ҳам суратга олиниши кўпчиликка манзур бўлмоқда. Бир пайтлар асосан хориж фильмлари намойиш этилаётган мамлакатимиз кинотеатрларида, энди деярли миллий киноларимиз «айлантирилмоқда».

Ўзбек киноматографиясида комедия жанрининг алоҳида ўрни бор. Ҳазил-мутойибага ўч халқимиз бундай мавзуда суратга олинган ҳар қандай картинага бефарқ эмас. Қолаверса, «Афандининг беш хотини», «Улфатлар» каттаю кичикнинг қалбидан бирдай жой олган. Энди бундай фильмлар сафи яна биттага бойиди. Истеъдодли режиссёр Тоҳир Маҳсудов ўзининг комедия жанрида суратга олинган «Асал, йигитда гап битта бўлади!» картинасининг монтаж ишларини ниҳоясига етказди.

Бу фильмда аёл қалби асосий мавзу қилиб олинган. Картина бош қаҳрамонларининг бошига ниҳоятда мушкул савдо тушади. Чунки улар бир муаммони ечолмай роса овора эдилар. У ҳам бўлса, аёл қалбига йўл топиш.

Ҳа, бу савдо ҳаётда кўпчилик йигитларнинг бошига тушиши табиий. Боиси, аёл қалби кўпчилик таърифлагандек, мустаҳкам қалъага ўхшаш бўлмасин, ўз ўрнида ниҳоятда нозикдир ҳам. Фильм ижодкорлари ўз ижод намуналарига «Асал, йигитда гап битта бўлади!» дея антиқа ном қўйиш баробарида ушбу янги картинада ўзига хос мавзуни олиб чиқишган. Бу фильм воқеалари, қаҳрамонларнинг ижро маҳорати томошабинни ўзига жалб қилади.

Фильмнинг бош қаҳрамони Асал дебютант актриса Динора Абушайова томонидан талқин қилинган.

Картинада бугунги ҳаётимиздаги мавжуд ижтимоий муаммоларга ҳам урғу берилади. Ўз ўрнида бу мавзу кулгили вазият воситасида очиб берилган. Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, картинадаги диалогларга алоҳида эътибор берилган. Қаҳрамонларнинг ўртасидаги гап-сўзларда юморнинг ўзига хос кўринишлари намоён бўлади.

Ушбу фильмдаги актёрлар жамоасини ҳам алоҳида таъкидламоқ лозим. Муҳаммадисо Абдулхайиров, Санжар Шодиев, Муҳаммаджон Бобожонов, Улуғбек Муҳаммадкаримов шулар жумласидандир. Ўзининг ажойиб роллари билан томошабинлар қалбидан жой олган комик актёр Муҳаммадисо Абдулхайировнинг бу галги қаҳрамони ҳам ўзига хос тарзда очиб берилган.

Ушбу комедия жанридаги фильм тез кунларда катта экранларда намойиш этилади.

**Ҳасан КОМИЛОВ.**

Туҳфа

## БЎЛМАСА

Қўлни қўл, демагил, унда бармоқ бўлмаса,
Маккорга нон йўқдир агар аҳмоқ бўлмаса.
Ёв тўзгай жасурлар ичдан тарқоқ бўлмаса.
Гапни кес, мағзида болу чақмоқ бўлмаса.

Қорни тўқ, эгни бут бўлса басдир бедардга,
Кўрса у кимдан наф, солгувсидир саватга.
Ўхшар эл наздида мевасиз бир дарахтга.
Аҳли кор аталмас кафти қадоқ бўлмаса.

Доғ этар инсоний ҳамиятдан йироқлар,
Келадир хаёлга куя тушган қалпоқлар,
На фарқдир улардан кўзлардаги чапоқлар,
Одамни одамга чиндан ардоқ бўлмаса.

Одамлик аслида, ҳай-ҳай, улуғ унвондир,
Бу номдан олислар мисли тешик қумғондир.
Огоҳ бўл, эй, Ямин, кўнгиллардан гумдондир,
Кишининг фазлида андак салмоқ бўлмаса.

## ҚЎРҚОҚЛАРДАН ҚЎРҚАМАН

Марду тантилардан йўқдир гумоним,
Марду тантилардир суюк султоним.
Ҳар бири шиддатда жўшқин уммоним,
Ҳар бири ёвга зид эсган бўроним.

НАҚОРАТ:
Қўрқув на, билмагум, юраккинам дов,
Ит қувган мушукдек қочар мендан ёв.
Қўрқоқни кўрсам лек тўлғанадирман
Тирноғим остига киргандек ғаров.
Юрадир элда бир қадимий матал:
«Сотқинлар қўрқоқдан чиқмиш ҳар маҳал».

Қўрқоқлар ғанимга келдиларми дуч,
Юрту эл сиридан берадирлар уч.
Чибинча топилмас ботинида куч,
Бўлсада навкаринг, қасамёди пуч.

НАҚОРАТ.
Қўрқоқни ўзига дўст тутгай аҳмоқ,
Қўрқоқни дўст тутган тишлагай бармоқ.
Қўрқоқлар касридан не алплар, воҳ-воҳ,
Жон таслим этгай гоҳ ургандек чақмоқ.
НАҚОРАТ.

## МУНЧАЛАР ЭТДИНГ РУЖУ

Бойликка мунчалар этдинг-е ружу,
Бойликка мунчалар бердинг-е урғу.
Қорундек бирни минг этмак жаҳдида,
Тунлари дийдангдан қочадир уйқу.
Кўнглингга ин қурмиш ўргимчак мисол
Борлиқни ютгудек юҳои туйғу.
Кимнингдир иноят истови сендан –
Аждарҳо комидан омонлик кутув.
Ҳаёндан ҳамёнинг турмаса тошиб,
Бўғзинг нақ чаладир қайғудан бурғу.
Не-не чинорларни қулатмиш тубдан,
Қулатмиш бойликнинг баридан тутув.
Воҳ, не балодир бу, фожиадир бу,
Бойликка ишқ қўюв, бойликни суюв!!

## ОДАМИЙ ЭРСАНГ

Элимнинг руҳига қўнса агар ғам,
Тирналар бамисли битмаган ярам.
Ари тишлаган бир чувалчангдирман
Кўрсам эл кўзида ўкинчдан шабнам.
Малҳам бўлмасам гар жароҳатига,
Афзал кесилгани шамширда каллам.
Сингани маъқулдир, ёқилгани хуш,
Маддоҳлик йўлида йўрға қай қалам.
Байрамлар кўкдаги юлдузлардек кўп,
Элнинг хушнудлиги – шоирга байрам.
Токи жон меҳмондир, фараҳбахш меҳмон,
Вафодор ёр каби мезбондир танам.
Одамий эрсанг, эй, кафтда тут элни,
Кафтда тутгувчилар бўлмагайлар кам.

**Ямин ҚУРБОН.**

## ШАМОЛЛАРДА ҚОЛГАН ҲИСЛАРИМ

Сизни учратдиму, дилимда туғён,
Сўзласам сўзимдан чиқади фиғон,
Нечун йироқдасиз, ўртада ҳижрон,
Шамолларда қолди ҳисларим.

Севги баҳорини сиз кезмадингиз,
Якка ёлғизликдан ҳеч безмадингиз,
Ишқнинг оташини оҳ, сезмадингиз,
Шамолларда қолди ҳисларим.

Ҳусну рафторингиз айлади адо,
Хаёлингиз этди ҳушимдан жудо,
Пойингизга бўлсин бу жоним фидо,
Шамолларда қолди ҳисларим.

Севгимни ошкора айта олмадим,
Муҳаббат йўлидан қайта олмадим,
Сиздек шоҳсуворга ета олмадим,
Шамолларда қолди ҳисларим.

Умидларим сўнмас ўтса ҳам фурсат,
Қалбингизга киргай бир кун муҳаббат,
Изҳор этгум шунда «сиз»га деб фақат.
Шамолларда қолди ҳисларим.

## ҚАЙТАР ДУНЁ

Аёзли қишдан сўнг келади баҳор,
Ёзнинг иссиғини қайтарар наҳор,
Туннинг қисматига уланар саҳар,
Билгинки азизим, бу қайтар дунё.

Берган саломингни жавоби алик,
Ёмонлик қилсалар, сен қил яхшилик,
Ҳаёт уммонида бу мангу битик,
Билгинки азизим, бу қайтар дунё.

Ҳаётда ноумид бўлма ҳеч қачон,
Андуҳлар дилингни этсалар вайрон,
Ҳақ эрсанг ҳар ишга топарсан имкон,
Билгинки азизим, бу қайтар дунё.

Ўксима, севгингни этсалар паймол,
Муҳаббат даргоҳин интиҳоси бор,
Ҳузурингга қайтар қаддин этиб дол,
Билгинки азизим, бу қайтар дунё.

**Навбаҳор ЖАЛИЛОВА.**

## АЗИЗ МАКОН

Туғилган уй, лой, хас, иморат,
Пастак уйча мен учун сарой.
Қалбга мангу берган ҳарорат,
Ўшал қишлоқ, ўшал азиз жой.

Қишларда лой, ёзда чанг тўзон,
Ҳеч ёдимдан кетмас кўчалар.
Шам чироқда қайнаган қумғон,
Бобом эртак айтган кечалар.

Қадоқ қўллар ўстирган донни,
Кўзларимга суртганман бошдан.
Бардошлари чексиз маконни,
Мен севганман асли уч ёшдан.

Орзулари-орзуйим абад,
Армонлари дардим бегумон.
Менга ҳадя этган муҳаббат,
Она юртим – шу азиз макон.

**Низомиддин МАМАТҚУЛОВ.**

Бош муҳаррир подполковник Камиль Наильевич МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: майор Азимбек Низомович УСМОНОВ,
майор Хайритдин Нуритдинович ЗАЙНИЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Александр Смотриков ва Содиржон Масимов томонидан саҳифаланди. Дизайн ва рассом – Наталья Лаптева.
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. Буюртма № G-3508. Адади 25060.